

ОЙ МАВЗУСИ: “ЎЗБЕКИСТОНДА КУЗ”

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Нон азиз						
Муддати	Октябрь ойининг 3-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Ўйин қоидаларини бажариш,югуриш, тиззаларни юқорига кўтариб юриш. Тугмаларни мустақил тарзда қадаб еча олиш. Коптокни ерга уриш. Ўз ташқи кўринишига эътибор бериш, ўзини тартибга келтира олиш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Болалар билан ўйин давомида самимий муносабатга киришиш. Ўз истакларини намоён этиш, ўз хатти-ҳаракатига жавоб бериш.Турли ҳиссиёт ва кайфиятларни намоён этиш. Сюжетли-ролли ўйинларда иштирок этиш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Тинглаган ҳикоясига муносабат билдириш. Бадий адабиёт мазмунига ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш. Таълимий ва сўз ўйинларида иштирок этиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Теварак-атрофда содир бўлаётган ўзгаришларни сезиш. Катталар меҳнатига ҳурмат билан қараш ва уларга ёрдам беришга тайёр бўлиш. Амалий тажрибаларда иштирок этиш. Айрим физик жараёнларни билиш.					
	Ижодий ривожланиш	Айрим касблар ҳақида тушунчага эга бўлиш. Баланд ва паст товушларни билиш. Қўшиқ айта олиш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Қоғоз кути ясаймиз		Бошоқларни терамиз			Қоғоз, картон, пазл, кубик, намуналар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Нон тайёрлаш			Элеватор курамиз		Машина, трактор ўйинчоқлари, нон ва нон маҳсулотлари акс эттирилган расмлар
	Тил ва нутқ	Нон ҳақида ҳикоя ва суҳбат		Ғаллакорларнинг меҳнати			Бугдой, тарик, ун солинган ликопчалар, нон турлари, бугдой ва тарик бошоғи, АКТ, касблар акс эттирилган расмлар.
	Фан ва табиат	Уннинг хусусиятлари					Бугдой ва жавдар уни, сув, идиш, ҳар бир бола учун пластик ликопчалар, бугдой ва жавдар бошоғи
	Санъат	Аппликация: Бугдой бошоғи		Лой иши: Нон ясаймиз		Жамоа бўлиб расм чизиш: Бугдой даласи	Намуна ва канцелярия жиҳозлари
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ОКТАБРЬ. УЧИНЧИ ҲАФТА

НОН АЗИЗ

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Қоғоз кути ясаймиз

Мақсад: болалар тайёр чизилган чизмаларни қирқиб, ёпиштириш йўли билан қоғоз кути ва қоғоздан геометрик шаклларни ясайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, рангли қоғоз ва картон, қайчи ва елим, мавзуга оид расм, майда ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани томоша қилиш.
2. Мавзу асосидаги расмларни томоша қилиш.
3. Керакли жиҳозларни танлаб олиш.
4. Ижодий иш.

Қўшимча: тайёр кутиларни майда ўйинчоқлар билан тўлдириш.

Эътиборга молик жиҳати: кесмаларни чизик бўйлаб тўғри кесиш, ўрта деворни жойлаштириш учун четки квадратларни ёпиштириш.

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Пазлдан ясаш: Ғалла бошоқларини терамиз

Мақсад: болалар намуна асосида мустақил қурадилар ва ясайдилар, шаклларни ҳажми ва шаклига қараб айта оладилар. Санашни биладилар, сонларни таққослайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзу асосида пазллар, намуна.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани томоша қилиш.
2. “Олмаҳонга бошоқчаларни санашга ёрдам беринг” таълимий ўйин.
3. Пазлларни йиғиш.
4. Ишлар таҳлили, рағбатлантириш.

Қўшимча: “Нон ҳаммасига даркор” мавзуси юзасидан суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: фикрлаш ва ижодий қобилиятни ўстириш.

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Элеватор (катта ғалла омбори) қурамиз

Мақсад: болалар ҳар хил кубик ва конструкциялардан элеватор ясайдилар, санашни биладилар, ранг ва шаклларни фарқлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубик, кути, лево, элеватор акс эттирилган расм, қурилиш анжомлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қурилиш, машина, элеватор расмини томоша қилиш.
2. Кубиклардан қурилишни режалаштириш.
3. “Нечта шакл беркиниб олганини айт” таълимий ўйин
4. Болалар ижодий ишлари жараёни
5. Тайёрланган элеваторлар намоиши. Рағбатлантириш.

Қўшимча: ишни ҳар хил атрибутлар билан тўлдириш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни жамоада ҳамжиҳатликда ишлашга ўргатиш, иш тугагандан сўнг ўйинчоқларни жой-жойига қўйиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Нон тайёрлаш

Мақсад: болаларбуғдойни қандай ўстириш ҳақида тушунчага эга бўладилар, нон тайёрлаш ва уннинг хусусиятларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: машина, трактор, кийим, ўйинчоқ, нон ва нон тайёрлаш жараёни тасвирланганрасмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар билан буғдойнинг ўсиши, буғдойнинг унга айланиш ва нонни тайёрлаш жараёни, буғдойни фермерлар комбайнда йиғиши, ун заводларида буғдой унга айланиши, нонвойлар нон ёпиши ҳақида суҳбат.
2. Нон ҳақида мақол ва маталлар.
Нон – азиз.
Нон – ота, сув – она.
Нонсиз овқат бемаза.
Ноннинг ушоғи ҳам нон.
Хулоса: Нонни асраш керак.
3. “Хамир қорамиз- нон ёпамиз” сюжетли ўйинига тайёргарлик.
4. Роллар тақсимлаш.
5. Ўйин фаолияти.
6. Якун, рағбатлантириш.

Қўшимча:“Нонни босган қиз” эртагини ўқиш. Нон ҳақида мақол ва маталларни ёд олиш. Расмларни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: нонни эъзозлаш, катталар меҳнатини ҳурмат қилишга ўргатиш. Луғатни бойитиш.

Тил ва нутқмаркази

Нон ҳақида ҳикоя ва суҳбат

Мақсад: болалар буғдой, тегирмон, ун, уннинг келиб чиқиши ҳақида тушунча ва тасаввурларга эга бўладилар. Нон маҳсулотларининг турларини ажрата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ликопчада буғдой, тарик уруғлари ва ун, ноннинг турлари, ўстирилган буғдой, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Нон қаердан келди?” фильми (слайд)ни томоша қилиш.
2. Болаларни уруғлар билан таништириш.
3. “Нон ва сув доимо азиз” таълимий ўйин
4. Ноннинг тайёрланиши тасвирланган расмга қараб ҳикоя тузиш.

Қўшимча: ундан тайёрланган маҳсулотларни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: расмга қараб ҳикоя тузиш, болаларнинг нонга бўлган ҳурматини ошириш.

Тил ва нутқ маркази

Ғаллакорларнинг меҳнати

Мақсад: болалар ғаллакорлар меҳнاتини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: касблар акс эттирилган расмлар, буғдойни етиштириш жараёни тасвирланган плакатлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ғаллакорлар меҳнати ҳақида суҳбат.
2. “Далада ишлайдиган машиналарнинг номларини айт”. таълимий ўйин
3. Нон ҳақида мақоллар.
4. Ғаллакорлар меҳнати ҳақида шеърни ёд олиш.

Қўшимча: нон тайёрлаш жараёни тасвирланган слайд (фильм) кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар луғатини бойитиш, новвой касбига ҳурмат билан қарашни ўргатиш.

Фан ва табиат маркази

Уннинг хусусиятлари

Мақсад: болалар уннинг хусусиятлари ва сифатларини айта оладилар, хамир билан ишлай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: буғдой ва жавдар уни, сув, ҳар бир бола учун елим идишлар.

Фаолиятнинг бориши

1. Буғдой бошоғини томоша қилиш, кўп ун ишлаб чиқариш учун буғдойлар кўп бўлиши лозимлигини айтиш.
2. Тарбиячининг уннинг хусусиятлари тўғрисида ҳикояси (буғдой ва жавдар унининг фарқи, ун юмшоқ, шаклга эга эмас, ўзининг хидига эга, ширин эмас, сочиluvчан, майда заррачалардан ташкил топган.
3. Тажриба: болаларга идишга сув солиб, ун ва туз қўшиб хамир қоришни таклиф этиш. Оқ ундан оқ хамир қорилишини кўрсатиш. Хамирдан ҳар хил шакллар ясаш.
4. Умумлаштириш.

Қўшимча: нон ва нон маҳсулотларининг қандай тайёрланиши ҳақида мультфильм ва слайдлар кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: хамир билан ишлашни ўргатиш, билим олишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш.

Санъат маркази

Аппликация: Буғдой бошоғи

Мақсад: болалар овал ва тўртбурчакни қирқиб оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: нон ҳақида расмлар, буғдой бошоғи, мўйқалам, оқ коғоз, елим, салфетка, қайчи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар адабиётидан буғдой ҳақида асарлар намуналарини ўқиш. Буғдой бошоғини томоша қилиш.
2. “Нонни асраймиз” таълимий ўйин.
3. Ишнинг чизмаларини кўриб чиқиш.
4. Ишнинг техник жараёнини тушунтириш.
5. Болаларнинг ижодий ишлари.
6. Ишлар таҳлили, рағбатлантириш.

Қўшимча: мавзу юзасидан суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: бошоқнинг тузилишига эътибор қаратиш, қайчини ишлата олиш, овал ва тўртбурчак шаклини қирқиб ёпиштириш.

Санъат маркази

Кулча

Мақсад: болалар шўр хамир қориш, хамир ёрдамида ҳар хил шакллар ясашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: туз, сув, ун, тоғорача, тахтача, салфетка, нон акс эттирилган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Нон ҳақида суҳбат.
2. Хамир қориш жараёнини тушунтириш.
3. “Нон ёпамиз” таълимий ўйин.
4. Хамирнинг хусусиятларини намуна асосида кўрсатиш.
5. Болаларнинг ижодий ишлари.
6. Ишлар таҳлили, рағбатлантириш

Қўшимча: ижодий ишлар учун муҳит яратиш.

Эътиборга молик жиҳати: майда қўл моторикасини ривожлантириш, ҳис қилиш ва қўллар ҳаракатини ривожлантириш, меҳнатсеварлик ва саранжом-саришталикка ўргатиш.

Санъат маркази

Жамоа иши: Бугдой даласи

Мақсад: болалар иш жараёнида расм чизишнинг ноанъанавий усулларида фойдаланадилар, бугдой бошоғи ва бугдой даласи ҳақида тушунчага эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: альбом варағи, ватман, мўйқалам, гуашь, сувли идиш, салфетка.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Нонни босган қиз” эртагини ёдга олиш.
2. Болаларнинг бошоқ ҳақидаги ҳикоялари.
3. Расм бўйича чизилган намуналарни кўриш.
4. Ишнинг техник жараёнини тушунтириш.
5. Жамоа иши.
6. Жамоа ишининг таҳлили.

Қўшимча: мавзу асосида ихтиёрий расмлар чизиш.

Эътиборга молик жиҳати: бугдой даласи ҳақидаги билимларини кенгайтириш, расм чизиш.